

Журналист ва адиб Максуд Кориев 1926 йилда Тошкентда тугилган. Уруш йилларида Тошкент тумани Юнусобод кишлоги жамоа хўжаликларида оддий меҳнат билан шугулланган. 1947 йилда эса Тошкент юридик институтини тугатиб, ўша ерда аспирантурада колади. Кейинчалик юридик фанлари номзоди деган илмий даражага хам эга бўлади. У кўп йиллар Ўзбекистон Олий Кенгashi ноиби бўлган.

Адибнинг журналистик фаолияти 1949 йил «Кизил Ўзбекистон» рўзномасидан бошланади. 1952—1954 йилларда эса «Ўзбекистон коммунисти» ойномасида бўлим бошлиги, 1954—1963 йилларда “Тошкент хакикати” рўзномасида аввал бош мухаррир ўринбосари, сўнг бош мухаррир бўлиб ишлайди. 1963—1984 йилларгача «Совет Ўзбекистони» рўзномасига бошчилик килади. 1984—1988 йилларда «Муштум» ойномасининг, хозирги кунда «Мехригиё» рўзномасининг бош мухарриридир.

Максуд Кориев адиб сифатида 60-йилларнинг 60-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб махаллий матбуотларда кўрина бошлайди. Унинг «Ойдин кечалар» (1968), «Жийда гуллаганда» (1970), «Афросиёб гўзали» (1974), «Туналар баланд учганда» (1976), «Сиз узатиб борганда» (1978) каби хикоя ва киссалар тўплами ва «Спитамен» тарихий романлари ўз китобхонига етиб борган. У Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими хамдир.